

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 112 (10.921)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кечка сатрларда

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар Урта махсус касб-хунара таълими бошқармасида мактабни тугатиб мустақил ҳаёт оstonасида турган ёшларни касб-хунарага йўналтириш масаласига бағишлаб педагоглар иштирокида тадбир ўтказилди.

● **КЕЧА** шаҳримизда «Узқурилиш маҳсулотлари» акциядорлик компаниясига қарашли корхона-ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари кўргазмаси ташкил этилди.

● **КЕЧА** Миробод туман ҳокимлигида «Терроризм ва диний экстремизмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари» мавзусида Республика Маънавий тарғибот маркази ва унинг Миробод туман бўлими, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Тошкент Ислам университети ҳамкорликларида уюштирилган тадбирда туман фаоллари, ёшлари иштирок этишди.

● **ЎЗСТАНДАРТ** агентлигида маҳсулотларни сертификатлашнинг самарали усулига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Шунингдек, агентлик ташаббуси билан «Ўзбекистоннинг энг сифатли маҳсулоти» кўрик-танлови уюштирилди.

● **КЕЧА** Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети сиртки бўлим биноларида дипломлар топширилди.

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманида болажонларнинг ёзи таътилни мароқли ўтказишлари мақсадида 225,112,35-мактаблар қошида ташкил этилган оромгоҳларда спорт тадбирлари уюштирилди.

● **КЕЧА** Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиде олимлар томонидан яратилган «Фуқаролик судларида жисмоний шахсларни ҳимоя қилиш» деб номланган янги дарсликнинг тақдими уюштирилди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли «Меҳрибонлик» соғломлаштириш оромгоҳи Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган бир гуруҳ мактаб ўқувчиларини ўз бағрига олди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИККА ҚАРАТИЛГАН ЮКСАК ЭЪТИБОРДАН РАВШАН ИСАХОНОВ ҲАМ БЕБАҲРА ҚОЛМАДИ. У ЎЗ ДИЛИДАГИ ҒОЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН 2 ЙИЛ ТИНМАЙ ИЗЛАНДИ, АНА ШУ ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА ЎЗИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚЧИ БЎЛГАН МАХСУЛОТГА ТАЛАБНИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УСУЛЛАРИНИ, ИНСОН ОРГАНИЗМИГА ФЙДАЛИ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИБ, ТАХРИБАДА СИНАБ КЎРДИ.

Тадбиркорлик

ЯНГИ УСКУНАЛАР ҲАМ ҲАМ

Нихоят пишиқ-пухталик билан ўйланган режа, тинимсиз саъй-ҳаракат ўз самарасини берди. «NAFIS OLAM» масъулияти чекланган жамиятининг замонавий технологиялар асосида маҳаллий хом ашё-наъматак мевасидан тайёрланган 3 турдаги шифобахш чойлари 2005 йилда истеъмолчилар кўлига етиб борди. Маҳсулот тайёрлаш учун эса энг сара хом ашёдан фойдаланилганлиги унинг сифатини таъминлашда кўл келди.

—Аввало, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот фойдаси ва афзалликлари тажрибада синаб кўришга муваффақ бўлдим,—дейди тадбиркор Равшан Исахонов.—Мазкур шифобахш чойлар инсон организмидеги жамми касалликларга даво бўлади. Организмининг қувватини оширади, қон босимини нормаллаштиради, қандли диабет, ошқозон-ичак касалликларида фойдали, шамоллаш ва юқумли касалликларга қаршилик даражасини оширади. Энг асосийси эса хом ашё жамнатмакон юртимиз серҳосил тупроқларида ўсади. Яна шунини таъкидлаш лозимки, биз тайёрлаган шифобахш чойлар ўзига хос технологияси билан ажралади туради, яъни ўсимликнинг табиий таркибидеги дармондорилар 100 фоиз сақланади. Истеъмоли ҳам оддий бўлиб, ҳеч қандай зарари йўқ. Қасали ва ёшидан қатъи назар сертификатланган маҳсулотимиз соғлиқни мустаҳкамлашда яхши самара беради.

Тадбиркорларга берилаётган молиявий кўмакдан фойдаланган корхона раҳбари «Ипотекабанк»дан 6 миллион сўмлик кредит олиб, жорий йилда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга муваффақ бўлди.

Стевия, бойчечак, қаркадеи сингари шифобахш гиёҳлардан ҳам бир неча турдаги чойлар тайёрланиб, маҳсулотларнинг барчаси республикамиздаги дорихоналар, супермаркетлар билан шартнома асосида харидорларга етказиб берилмоқда. Ҳисси



Шарифа Илёсова суратда: кадоқловчи Нозима Убайдуллаева сифатга эътибор қаратади.

сиръатини шундан ҳам билиш мумкинки, ўтган йилда 3,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида ушбу рақам 10 миллион сўмликни ташкил этди. Шу ўринда шифобахш чойларга қўшни Қозғоғистон, Россия, Индонезия, Эрон давлатларидаги харидорлар ҳам қизиқиш билдираётганини айтиш лозим. Бу албатта, келгусида экспортни йўлга қўйишдан, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига янада муҳим ҳисса қўшишдан далолатдир.

Тадбиркорларнинг мақсадлари бисёр. Уларни муваффақиятли амалга ошириш йўлларида изланаётган жамоанинг тадбиркор раҳбари яқин келгусида Хитой давлатидан янги технологик линияларни келтиришни, цехларни замонавий жиҳозлашни, ёшларни иш билан таъминлашни кўзда тутган. Наъматак данакларидан ёғ олиш учун мойжувоз, маҳсулотни харидор талаб ва эҳтиёжи асосида етказиб бериш учун кадоқлаш линияси ва яна бир нечта дастгоҳ ва ускуналар маҳсулот турлари ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми ортишида катта аҳамият касб этди. Шифобахш чойларни эса 2 граммлик пакетларда кадоқлаш ҳам йўлга қўйилади.

Сирасини айтганда, юртимиз иқтисодиёти ривожига ва шунинг тармоқларида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўлаётган кичик корхона тадбиркорлари изланишларни давом эттириб, қўланган марралари сари дадил одимлашмоқда. Бу борада уларга муқтадил юртимизда тадбиркорликка очилган кенг йўл, ҳуқуқий ҳимоя, имтиёз ва қафолатлар муҳим омил бўлмоқда.

Шарифа Илёсова
СУРАТДА: кадоқловчи Нозима Убайдуллаева сифатга эътибор қаратади.
Козим Ўлмасов олган сурат

МАРОКАШ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН МАРОКАШ ЭНЕРГЕТИКА ВА ТОҒ-КОН САНОАТИ ВАЗИРИ МУҲАММАД БУТАЛИБ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ АЪЗОЛАРИ 12 ИЮНЬ КҮНИ «ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ РАИСИ БОТИР ТЕШАБОВ БИЛАН УЧРАШДИ.

Мароқаш иқтисодиётини давом эттиришда тоғ-кон саноати муҳим ўрин тутди. У фосфорит ишлаб чиқаришда дунёда учинчи, экспорт қилишда эса биринчи ўринда туради. Мароқашда кўмир, нефть-газ конларини топиш ва ўзлаштириш борасида яхши тажриба тўпланган.

Учрашувда томонлар мамлакатларимизнинг энергетика ва қончилик соҳаларида амалга оширилаётган ўзгаришлар, Ўзбекистон ва Мароқашнинг бу борадаги имкониятлари билан танишдилар.

— Энергетика иқтисодиётининг муҳим бўғинларидандир, — деди Мароқаш делегацияси раҳбари. — Биз Ўзбекистон билан айнан шу соҳада ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдоримиз.

Учрашувда мазкур соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш ва ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. (ЎзА)

ТОШКЕНТДА ФУҚАРОЛИК ВА СИЁСІЙ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТ ҚОИДАЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ МАЪРУЗАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР-ТРЕНИНГ БЎЛИБ ЎТДИ.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ - ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ АСОСИДИР

Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан БМТ Тараққиёт дастури кўмағида тегишли материалларни ўз вақтида тайёрлаш имконини берадиган асосий қонда ва механизмларни муҳокама қилиш мақсадида ташкил этилди. Унда вазирликлар, идоралар, олий ўқув юрталари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Семинар-тренингда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов республикамиз мустақилликка эришган, ўзининг демократик ҳуқуқий давлат қириш йўлини танлаганини таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан миллий қонунчиликни, жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик халқро меъёrlарга мослаштирилмоқда ва мунтазам такомиллаштирилмоқда.

Мамлакатимиз халқро ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланганидан сўнг ушбу соҳадаги кўплаб халқро шартномаларга қўшилди. Бу борада Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқро билль асосий ҳужжат ҳисобланади. У Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, ижтимоий, маданий ва иқтисодиёт ҳуқуқлари тўғрисида, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқро пактларни ўз ичига олади.

Тадбирда сўзга чиққан БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги доимий вакили Ф.Ақчура Ўзбекистон раҳбарияти инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш ҳамда ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратаётганини қайд этди. У мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, жиноий ва жиноий-процессуал қонунчиликни эркинлаштиришга доир амалга оширилаётган ишларни юқори баҳолади.

Инсон ҳуқуқлари миллий маркази инсон ҳуқуқлари соҳасида мунсабатларни тартибга солувчи халқро ва конституциявий нормаларни бажариш стратегиясини ишлаб чиқадиган мувофиқлаштирувчи давлат органи ҳисобланади. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги ўз халқро мажбуриятларини бажариши тўғрисидаги миллий маърузаларни тайёрлаш ҳам марказ вазифасига кирди. Марказ ўз фаолияти давомида бунинг учун махсус тадбирларни ишлаб чиқди.

Семинар-тренингда бу каби муҳим ҳужжатларни тайёрлаш ушбу жараёнда давлат ва жамоат ташкилотлари мутахассислари, олимлар, экспертларнинг ҳам иштирок этишини талаб қилиши таъкидланди. Шу боис бугун марказ Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), кўплаб вазирликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Семинар қатнашчилари Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқро пакт қоидаларининг бажарилиши бўйича миллий маърузаларни тайёрлашда давлат ҳамда ноҳукумат тузилмалар саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш зарурлиги билан боғлиқ масалаларни муҳокама этди. **А.ИВАНОВА, ҲАА мухбири**

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Республикамиз пиллачилари 22 минг тонна «кумуш тола» тайёрлаб, шартномавий режани бажаришди. Бу ўтган йилдагидан 2 минг тонна кўпдир. Энг муҳими, ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институтида ўткир юқумли ва паразитар касалликларнинг олдини олиш, бу борадаги илм-фан ютуқларидан амалда оқилона фойдаланиш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Кеча Миллий матбуот марказида тўлов қабул қилиш соҳасидаги янгилик—PAYNET компаниясининг «Paynet Mobile» технологиясининг тақдими ўтказилди.

● «Қамолот» ЁИХ Урганч Давлат университети бошланғич ташкилоти томонидан «Биз, ёшлар ОИТС ва гиёвандликка қаршимиз!» шиори остида талабалар акцияси ўтказилди. Тадбирда бир неча минглаб йигит-қизлар фаол иштирок этди.

● Кеча Тошкентдаги «Универсал спорт саройи»да бадий гимнастика бўйича «Олимпиада умидлари» 3-республика мусобақасининг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридеги Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси соврини учун бўлиб ўтаётган ушбу мусобақада 148 нафар бадий гимнастикачи қатнашди.

● Ангреннинг тоғли ҳудудидаги Дуқент қишлоғида фахрийлар ташаббуси билан 1,5 гектар майдонда мевали боғ яратилди.

● Гурлан тумани марказида янги буюм бозори бўлиб ўтди. Унда виллоятдаги мактабга ҳақли муассасалари тарбиячилари ўзларининг билим ва маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

● «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Россиянинг Қора денгиз бўйларига, Миср ва Италияга парвозларини йўлга қўймоқда. Хусусан, 2007 йилнинг 27 июнидан бошлаб Тошкент-Сочи-Тошкент, 3 июлдан бошлаб Тошкент-Қоҳира-Афина-Тошкент, 20 июлдан бошлаб эса Тошкент-Милан-Тошкент йўналишлари бўйича қатновлар бошлаб юборилади.

● «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Россиянинг Қора денгиз бўйларига, Миср ва Италияга парвозларини йўлга қўймоқда. Хусусан, 2007 йилнинг 27 июнидан бошлаб Тошкент-Сочи-Тошкент, 3 июлдан бошлаб Тошкент-Қоҳира-Афина-Тошкент, 20 июлдан бошлаб эса Тошкент-Милан-Тошкент йўналишлари бўйича қатновлар бошлаб юборилади.

ЖАҲОНДА

● Кеча Фаластин мухториятининг ФАТХ ҳаракати раҳбари Махмуд Аббос ФАТХнинг Фаластин ҳукумати таркибидан чиқилиши билдириди. Бунга кейинги бир ойдан буён ФАТХ ва ХАМАС ҳаракатлари ўртасида давом этаётган ва тобора кескинлашиб, фуқаролар уруши даражасига етган қуроли тўқнашувлар сабаб бўлмоқда. Таъкидлаш кераки, кейинги бир ойда ҳар икки гуруҳ ўртасидаги тўқнашувлар натижасида 50 дан зиёд киши ҳалок бўлди.

● Бельгиядаги парламент сайловларида Христиан демократлари ва фламандлар партияси етакчиликини кўлга киритиб, парламентдаги 150 ўридан 30 тасига эга бўлди. «Хитойнинг «Хубей Йиҳуа Чемикал Индустри Ко.» кимё заводида кучли портлаш рўй берди. Маълумотларга кўра, аммиак ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур заводдаги портлаш оқибатида 23 киши ҳаётдан кўз юмган. Айни пайтда портлаш сабаблари ўрганилмоқда.

● Судан ҳукумати ўз ҳудудида Африка Иттифоқи ва БМТ тинчликпарвар аскарларини жойлаштиришга рози бўлди. Айтиш кераки кейинги йилларда Суданнинг Дарфур музофотида рўй бераётган ички низолар оқибатида 18 мингга яқин киши ҳаётдан кўз юмди ва шу кунгача мамлакат ҳукумати ушбу низоларни Суданнинг ўз ички иши деб ҳисоблаб келаётган эди.

● Кеча Италия шаҳарларида юз минглаб пенсионерлар пенсияларининг оширилишини сўраб норозилик намойишига чиқдилар. Айтиш кераки ҳозирда Италияда 16 миллион пенсионер бўлиб, улардан учдан бир қисмининг пенсияси энг паст даражадаги яшаш тарзига ҳам етмайди.

● Нидерландия маъмурулари мамлакат парламенти томонидан қабул қилинган янги қонунга кўра бу ерга 2001 йилгача кириб келган 30 минг муҳожирга мамлакат фуқаролигини бериш ҳақида қарор қилди.

● Об-ҳавонинг ҳаддан ортиқ исиб кетиши оқибатида, иссиқ клим шартини эга бўлишига қарамай шу ҳафтада Ҳиндистонда 100 дан ортиқ, Покистонда эса 50 га яқин киши ҳаётдан кўз юмган.

● Бангладешда рўй бераётган табиий офатлар—ёғингарчиликлар оқибатида юзага келган кучли сув тошқинларнинг қурбонлари сони 87 кишига етди. Маълумотларга кўра, бедарак йўқолганларнинг сони 100 дан ортиқдир.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 14 июнь кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18-20, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади.

БОЛАЛАР МОДАСИ ФЕСТИВАЛИ

ТОШКЕНТДАГИ МИЛЛИЙ САҲНАТЛАР МАРКАЗИДА «БОЛАЖОНЛАР-ШИРИНТОЙЛАР-2007» РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР МОДАСИ ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ. АНЪАНАГА КЎРА УНИ «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САҲНАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ ВА «ОСИЁ РАМЗИ» ЎЗБЕКИСТОН МОДА УОШМАСИ ТАШКИЛ ЭТДИ. БУ ГАЛ УЛАРГА «ЯНГИ АВЛОД ФОРУМИ» ВА «ЧОДИР ХАЁЛ» БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ МАРКАЗЛАРИ ҲАМ ҚЎШИЛДИ.

Фестиваль дастурига болалар либослари моделлари намойиши ва қатор танловлар – дизайнерлар, ёш манекенчилар, энг яхши либос, подиумдан энг яхши ўтиш ҳамда кичик ёшдаги болалар ижросидаги энг ёрқин ижодий чиқиш танловлари киритилди.

Дизайнерлар танловидан мақсад – экологик тоза материаллардан болалар учун кийим тайёрлаш, маҳаллий матоларни тарғиб қилиш, тажриба алмаштириш. Эътиборли томони

шундаки, танловда нафақат республикада таниқли усталар, балки ёш дизайнерлар – олий ўқув юрталари талабалари ва ўқувчилар қатнашди.

Танловга Андижон, Бухоро, Жиззах, Наманган, Нукус, Самарқанд ва Тошкентдан 28 нафар модельернинг ишлари тақдим этилди. Ўзбекистонлик ҳамкасблари ижоди билан танишиш учун Россия ва Чехиядан ҳам дизайнерлар келишди.

«Колибри», «GW Models», «Paradise», «Baby style», «Aysel», «Либос» дизайнерлик мактаблари, Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти мода театри энгил, қулай, замонавий ва миллий либос бичимларини ўзида мужжасам этган болалар кийимларини намойиш этди. Либосларни 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар – мода мактаблари ва болалар ижодиёти марказлари тарбияланувчиларининг ўзи намойиш этди.

Танлов голиблари саккиз номинация бўйича аниқланди. Тошкент мода мактабларидан Сайёра Абдуллаева, Лариса Белава, Элнора Носирова, Дилафруз Сулаймонова ва Алишер

Ғиёсов, Самарқанддан Нарғиза Аҳмедова, Бухородан Нафосат Тўраева голиб деб топилди. Уларнинг ишлари фотосуратлари мамлакатимизнинг етакчи журналларидан бири — «Bella Terra»да чоп этилади. Тошкентдаги «Колибри» мактаби энг яхши дизайн ва мода мактаби деб топилди. У шу йил ноябрда Ялтада ўтказиладиган Болалар модаси халқро фестивалида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

Намойишлар орасида пойтахт болалар ижодиёти марказлари ёш артистлари ўз иқтидорини кўрсатди. Уларнинг чиқишлари ҳам ҳайъат томонидан баҳоланди. Энг истеъодли ўғил ва қизлар «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг «Янги авлод-2007» болалар ижодиёти фестивалида қўшимча баллар олади.

Фестиваль доирасида миллий ўйинчоқлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. У қатнашчиларда ҳам, томошабинларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Анна ИВАНОВА, ҲАА мухбири

КЎЗ ЎНГИМИЗДА ПОЙТАХТИМИЗ ТОШКЕНТ ЙИЛДАН ЙИЛГА ГЎЗАЛ ВА ОБОД ШАХАРГА АЙЛАНИБ БОРАЁТИР. ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЎТИШИ ВА БУГУНИНИ СОЛИШТИРАДИГАН БЎЛСАК, АЙНИКСА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ШАХРИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН КЕНГ КЎЛАМДАГИ ОБОДОНЧИЛИК, БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИНГ ГУВОҲИ БЎЛАМИЗ.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи Давлат музейида очилган «Тошкент — кеча ва бугун» мавзусидаги кўргазмада ҳам шаҳримизнинг ўтиши ва бугуни ёрқин акс этган. Кўргазмада Тошкент шаҳрининг асосий тарихий ёт босқичларини акс эттирадиган

Кўргазмалар

ТОШКЕНТ — КЕЧА ВА БУГУН

барча даврларни қамраб олишга эътибор қаратилган. Унда мўъжаз шаҳар кўринишидаги аҳоли ашайдиган қароргоҳдан шаҳримизнинг тарихи бошланиши кўрсатилган. Тошкент шаҳри узоқ тараққиёт босқичида Шоштепа (миллоддан аввалги II-I аср), Мингўрик (I-II аср) ва Бинкент (IX-XII аср) номлари билан тарихий манбаларга муҳрланган. Шунингдек, кўргазмада археологик, этнографик, нумизматик ва мейморчилик обидалари ва ёдгорликлар ёрдамида шаҳарнинг тарихий тараққиёт йўли очиб берилган. Айнаникса мустақил Ўзбекистоннинг пойтахти, унинг сиёсий, маъмурий, иқтисодий, илм-фан ва маданияти тараққиёт этган маркази сифатидаги аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилинган.

— Мустақиллик йилларида пой-

тахтимизда Президентимиз бошчилигида мислиси ободончилик ишлари амалга оширилиб келинмоқда, — дейди Ўзбекистон тарихи Давлат музейи директори Жаннат Исмоилова. — Мазкур кўргазмада шаҳарнинг тарихий обидаларининг илгариги аҳоли ва уларга нисбатан мустақиллик йилларида муносабат кескин ўзгарганлиги ёрқин далиллар билан акс эттирилган. Шаҳар кўчалари, майдонлари, маданият ва истироҳат боғлари, бозорлар, йўл ва кўприклар замонавий кўринишга эга бўлди. Шунини айтиш жоизки, Тошкент азалдан ўзига хос мейморий обидалари, минглаб алломаларнинг ноёб кўлөзма асарларига бой кутубхона ва бошқа муассасалари, уста хунарманд, хаттот ва мусаввирларнинг ижод намуналарини асраб кела-

ётган музей ва маданият ўчоқлари билан дунё ахлини хайратга солиб келмоқда. Хозир Тошкентда Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент Ислон институти, Кўқал-жоиздир. Тошкентда бугунги кунда 120 дан зиёд турли миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандлари каби аҳил яшаб келмоқдалар. Юқоридагиларнинг барчаси кўргазма экспозицияларида ўз аксини топган.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: «Тошкент — кеча ва бугун» мавзусидаги кўргазмадан лавҳа.



БУГУНИ КУНДА ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ЭРТАМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ БЎЛГАН ЁШ АВЛОДНИНГ ҲУҚУҚИ ОНГИНИ ОШИРИШ, ТУРЛИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, УЛАРНИ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТАРБИЯЛАШ БЎЙИЧА БИР ҚАТОР ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Туманларда

ҲУҚУҚИЙ КАМОЛОТ — ЭРТАМИЗ КАФОЛАТИ

Хусусан ҳуқуқ-тартибот, ички ишлар идоралари, маънавият-маърифат соҳаси ходимлари томонидан қорхона, ташкилот, олий ўқув юртлири, касб-хунар коллежлари ва ўрта умумтаълим мактабларида ўтказилиб келаётган анжуман, давра суҳбатлари, учрашув ва тadbирлар шулар жумласидандир.

Мана шундай учрашувлардан бири яқинда Чилонзор туманидаги 216-ва 218-мактабларда бўлиб ўтди. Туман ҳокимияти қошидаги воғга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, туман прокуратураси, туман маънавият тарғибот маркази ва «Камолот» ЕИХ туман бўлими, туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу учрашувлар мактаб ўқувчилари,

ўқитувчи, ота-оналар ва маҳалла аҳлида катта таассурот қолдирди.

Туман прокуратураси ходимлари билиб-билмай жиноят оламига қадам қўйган ёшларнинг ачирқ қисмати, ФХДЭ ходимлари соғлом ҳаёт тарзи, никоҳ, оила, тиббий кўрикнинг аҳамияти, ёшлик-бебошлик кўчаларида адашганлар, бунинг оқибатида майиб-мажруҳ, ногирон туғилаётган болалар ва буларнинг олдини олиш чоралари ҳақида йиғилганларга ҳаётини мисоллар асосида тўлиқ маълумот бериб, очик, жонли савол-жавобларга бой бўлган учрашувни ўтказдилар.

Шунингдек, куни кеча Президент Ислон Каримов томонидан эълон қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармоннинг ҳалқимиз томонидан хурсандчилик билан қутиб олингани, ушбу Фармон ижроси бўйича қанчадан-қанча ёш оилалар моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватланиши ҳақидаги фикрлар тadbирга янада кўтаринчилик бағишлади.

Униб-ўсиб келаётган ёшларни соғлом, бақувват, маънан етук инсон бўлиб воғга етиши йўлида давлатимиз томонидан кўрсатилган эътибор ва яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида, хусусан юқорида таъкидлаб ўтилган Фармон ҳам айнан мана шундай хайрли мақсад йўлидаги яна бир эзгу қадам эканлиги ҳақидаги фикрлар ҳеч кимни безътибор қолдирмади.

Дарҳақиқат, давлатимиз томонидан инсон шаъни, ҳақ-ҳуқуқи, айнаникса ёшларнинг ҳуқуқий саводдон, ўз бурч ва масъулиятларини ҳис этган, таълим-тарбияли бўлиб камол топишларига асосий эътибор қаратилган. Шундай экан шу юрда яшаб, унинг ривожига ҳисса қўшиш ниятида бўлган ҳар биримиз келажакнинг тама-лот тошининг муштақам бўлишига хизмат қилишимиз лозим.

Дилором СУЛАЙМОНОВА, Чилонзор тумани ФХДЭ бўлими мудири

ЖОРИЙ ЙИЛДА ШАХАР ЭКОЛОГИЯСИНИ ЯХШИЛАШ, ТУРЛИ МАШИНАЛАРДАН АТРОФ-МУҲИТГА ЗАРАР ЕТКАЗУВЧИ ГАЗЛАРНИНГ ЧИҚИШINI КАМАЙТИРИШ МАҚСАДИДА ЎТКАЗИЛГАН «ТОЗА ҲАВО» ТАДБИРИНИНГ ЯКУНЛАРИНИ САРХСОБ ҚИЛИШНИНГ ВАҚТИ ЕТДИ.

Экология

«ТОЗА ҲАВО» ТАДБИРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Ҳар йили мунтазам тарзда ўтказиладиган «Тоза ҳаво» тadbирларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ишлатилган газларнинг захарлилик даражаси аста-секин пасайиб бормоқда ва 2007 йилда ўтказилган «Тоза ҳаво» операциясининг I босқичи якунларига кўра 9,2 фоизни ташкил этган. Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазат қилиш Давлат қўмитасининг 2007 йил 6 мартдаги хатига мувофиқ шаҳар табиати муҳофазат қилиш қўмитаси томонидан жорий йилда шаҳар автомобил йўлларида шахсий фойдаланишдаги 25000 ҳамда давлат секторига тегишли 800 та автомобиллар чиқараётган газларнинг захарлилик даражасини текшириш режалаштирилган. «Тоза ҳаво» тadbирининг биринчи босқичи давомида 13725 та автомобиллар текширувдан ўтказилиб, шулардан 1261 тасида ишлатилган газларнинг захарлилик даражаси юқори эканлиги ва куюқ тутун чиқариши аниқланди. Шулардан 13200 таси хусусий автомобиллар бўлиб, 1212 тасида белгиланган тартибга зид ҳолатлар аниқланди.

Шунингдек, давлат секторига тааллуқли автомобилларнинг 400 тасида ишлатилган газларнинг тутун даражаси назоратдан ўтказилиб шулардан 37 тасида носозликлар мавжудлиги маълум бўлди. Умуман, Тошкент шаҳри бўйича автоуловлардан чиққан газларнинг захарлилик ва ортиқча тутун даражаси юқорида таъкидланганидек, 9,2 фоиздан иборат бўлди. Автомобиллардан чиққан газларнинг тутун чиқариш даражасининг таҳлили шуни кўрсатадики «Мерседес» автобуслари шаҳримизда қатнаётган бошқа автобусларга қараганда атроф-муҳитни 2 баравар кам ифлослантиради. «Тоза ҳаво» операцияси натижаларига кўра автомобилларнинг захарли газларнинг чиқариши 6 тонна пасайган.

Шунингдек, келгусида «Тоза ҳаво» операциялари самарасини янада ошириш юзасидан ҳам тақрифлар ишлаб чиқилди. Йирик транспорт корхоналари ҳамда техник хизмат кўрсатиш станцияларини текширувдан ўтказиш, «Тоза ҳаво» операциясини йилига 1 марта 2 ой давомида ташкил этиш, ушбу тadbирларнинг амалга оширилишини омвий ахборот воситаларида янада кенгрок ёритиш, фойдаланаётган автомобилларида газларнинг юқори даражадаги захарлилиги кўрсатилган тақдирда ушбу қонунбузарларга нисбатан кўриладиган маъмурий чораларни қатъийлаштириш шулар жумласидандир. Энг муҳими, «ойнаи жаҳонда» Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат табиати муҳофазат қилиш қўмитаси, жамоатчилик вакиллари иштирокида автомобиллардан чиқётган зарарли газлар микдорини камайтириш йўллари хусусида давра суҳбатлари ўтказиш ҳам режалаштирилмоқда.

Даврон ИСМАТОВ

ЁЗДА СУВ ТАНҚИСЛИГИ БЎЛМАЙДИ, — дейди Бектемир тумани сув тармоқлари бошқармаси жамоаси

БУГУНИ КУНДА АҲОЛИНИ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ НАФАҚАТ ҲУҚУМАТИМИЗ, БАЛКИ ЖОЙЛАРДАГИ ҲОКИМЛИК ВА ХУДУДИЙ СУВ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ҲАМ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ СИРАСИГА КИРАДИ. АЙНИКСА, БУ ЁЗ МАВСУМИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ.

Чунки истаймизми, йўқми бу вақтда қисман бўлсада сув танқислиги вужудга келади. Натижада кўп қаватли уйларида истикомат қилувчилар жондонидида қатор муаммолар пайдо бўлади. Шулардан келиб чиққан ҳолда Бектемир туман сув тармоқлари бошқармаси жамоаси худуддаги мавжуд кўп қаватли уйларидаги 5095 та хонадон, 1178 та ҳовли жойлар ва 40дан зиёд қорхона, ташкилотларни мунтазам равишда тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун барча имкониятларни ишга солишмоқда. Айна пайтда мазкур бино ва иншоотларга 48,2 километр узунликдаги сув тармоқлари ва 13 километрлик катта қувурлар орқали тоза ичимлик суви етказиб берилмоқда.

— Яқинда худудимиздаги Билал Нозим кўчасида жойлашган кўп қаватли турар жой бинолари олдидида кўп йиллардан буён муаммо бўлиб келаётган масаланинг ечимини топдик, — дейди Бектемир туман сув тармоқлари бошқармаси бошлиғи Раҳим Назаров. — Мазкур уй-жой бинолари атрофида ҳовли ва сугориладиган майдонларнинг кўплиги боис айни ёз пайтида сув босими кескин пасайиб кетарди. Шуларни ҳисобга олиб, «Идеал сервис» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Владимир Еделев билан ҳамкорликда ушбу турар-жойларга сув етказиб берадиган ичимлик сув қувурлари марказлаштирилган қувурга уланди. Натижада юқоридаги муаммолар тўлалигича ўз ечимини топди.

— Албатта, биз бу деб қилиб келишимизга қўшилиди бошқарма бошлиғи ўринбосари Бахтиёр Аммиров. — Худудимиздаги қолган турар-жой биноларини узлуksиз сув билан таъминлаш ва сув босими камайтириш кетишининг олдини олиш мақсадида турли идора, ташкилотлар ҳовлисидаги бекордан-бекорга оқиб

ётган сув жўмрақлари, томорқаларни қувурлардан келаятган сув билан сугоришни чеклаш мақсадида домий равишда рейдлар ўтказиб келинмоқда. Мана шу ишларнинг самараси натижада кўп қаватли уйлари сув билан таъминлаш узлуksизлигига тўлиқ эришимиз.

Уйлаимизки, амалга ошираётган бу ишларимиз ҳалқимиз фаровонлиги ва осийишталлиги йўлида хизмат қилади.

Усмон УСМОНОВ СУРАТДА: туман сув тармоқлари бошқармаси ходими иш устида.

Муаллиф олган сура



Конунларимизни ўрганамиз

ИНСОН ҲАЁТИНИНГ МАЗМУНИ, АВЛОДИНИНГ ДАВОМЧИСИ — ФАРЗАНД

БАРЧАМИЗГА МАЪЛУМКИ, ИНСОН, УНИНГ ҲАЁТИ, ЭРКИНЛИГИ, ШАЪНИ, КАДР-ҚИММАТИ ВА БОШҚА ДАХЛСИЗ ҲУҚУҚЛАРИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ ЭКАНЛИГИ, ДАВЛАТ ҲАМ, ЖАМИЯТ ҲАМ, АВВАЛО ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ, УНИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ЭТИШИ АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ — КОНСТИТУЦИЯДА АНИҚ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН.

Дарҳақиқат, давлатимиз томонидан босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, кўрилайётган чора-тадбирларнинг барчаси инсон учун, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Дона ҳалқимизда «Бол-ширин, болдан бола ширин» деган мақол мавжуд. Инсон ҳаётининг мазмуни, авлодининг давомчиси бола ҳисобланади. Ўзбек халқи ҳамиси жажжи мавжудот ҳисобланмиш гўдакларга илиқлик, меҳрибонлик ва муҳаббат билан муносабатда бўлган. Чунки биз ҳамамиз болаларимизнинг бахтли келажакини ўйлаб яшаймиз.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, юртимизда қарийб 26 миллиондан ортиқ аҳоли бўлса, уларнинг деярли 40 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар ташкил қилиши фикримизнинг ёрқин исботидир. Конституциянинг 64,65-моддаларида ота-оналар ўз фарзандларини воғга ет-гунларига қадар боқиб ва тарбиялаш учун мажбурлиги, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаш, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантириши лозимлиги, фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдидида тенг эканлиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофазат қилиниши белгилаб қўйилган.

Жорий йилнинг 23 январидида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарорининг қабул қилиниши ҳам республикамизда олиб борилаятган бу борадаги сиёсатни янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нафақат мил-

лий қонунчилигимиз, балки халқаро ҳуқуқ нормалари билан ҳам тартибга солинади.

БМТ томонидан 1989 йилда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция шулар жумласидандир. Мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 9 декабрда қўшилган. Конвенцияга кўра 18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон бола ҳисобланади ва Конвенция бўйича ҳар бир иштирокчи — давлат болаларни ўғирлаш, сотиш ёки уларни ҳар қандай мақсадларда ва ҳар қандай шаклларда контрабанда қилишини олдини олиш учун миллий, икки томонлама ва кўп томонлама даражада барча зарур чора-тадбирларни қўришлари лозим. Бу эса бутун жаҳон микёсида бола савдосининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро ҳуқуқнинг мазкур нормалари миллий қонунчилигимизга ҳам жорий қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 56-моддасига кўра ёш болага нисбатан жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Болаларни бошқа мамлакатларга ўғирлаб олиб кетишнинг фуқаролик жиҳатлари тўғрисидаги Га-

ага Конвенциясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги 2000 йил 18 майдаги 192-сонли қарори га кўра давлат органлари, идоралари, вазирликлар томонидан тегишли чора-тадбирлар белгиланганлиги фикримиз исботидир.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида «Бола ҳуқуқларининг қафолатлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши ва тақдим қилиниши белгиланганлиги бу борада олиб борилаётган ишларнинг янада такомиллаштирилиши сари олға қадам бўлди.

Қолаверса, болаларнинг қаровсиз ва назоратсиз қилинишини олдини олиш мақсадида, аввало, ота-оналар ва жамоатчиликнинг масъулиятини ошириш лозим. Бунинг учун ҳар бир фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари), уларнинг маслаҳатчилари, маҳалла посбонлари, ҳуқуқни муҳофазат қилувчи органлар, манфаатдор қорхона, ташкилот ва муассасалар иштирокида бола савдоси бўйича дунёда юз бераётган ҳодисалар, уларнинг ҳуқуқий оқибатлари, уларнинг олдини олиш бўйича кўрилайётган чора-тадбирлар ҳақида, ушбу йўналишни тартибга солувчи миллий қонунчилигимиз тизими юзасидан тушунтириш ишларини кучайтиришимиз лозим.

Самира САИД-ҒАЗИЕВА, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси катта маслаҳатчиси

Иқтисодиёт

ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

СИФАТ БОШ МЕЗОН БЎЛГАН ҚОРХОНА ТОВАРЛАРИНИНГ ХАРИДОРГИРЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ, БУЮРТМАЧИЛАРИ САФИ КЕНГАЙДИ.

Хусусий тadbиркор Геннадий Тень бош бўлган «TEGEN» қорхонаси ана шундай жамоалар сирасидандир. 1997 йилдан буён мазкур жамоа ички бозоримизга харидоригр колбасларнинг ўзидан 64 хилни тайёрлаб, пойтахтимизнинг 300 дан ортиқ овқатланиш тармоқлари, озиқ-овқат дўконларига етказиб бормоқда. Жумладан, «TEGEN» савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган гўшти деликатеслар, хуштаъм майонез ва ханталлар ҳам жамоа аҳлининг касб маҳорати, изланишлари самараси ҳисобланади.

Мазкур қорхона цехларида ўрнатилган Россия давлатидан келтирилган технологик линия, самарали дастгоҳ ва усқуналар кўмагида тайёрланаётган колбаса, солбаса маҳсулотлари, майонез ва кетчуплар чиройли, бежирим, қулай, яъни турли ҳажмларда, асосийси, экологик тоза идишларда қадоқланади.

Сифатли маҳсулотлар учун фақат олий навли гўшдан фойдаланилади. Ҳамма фаслларда ҳам бирдай цехларда керакли даража, намлик меъёрида бўлишига, озодалик, саранжом-саришталикка ҳам катта эътибор қаратилади.

ГЎЗАЛЛИК

ЯРАТУВЧИ ЧЕВАР

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕНГАЙИБ БОРИБ, УЛАР ОРАСИДА ЁШЛАР САЛМОҚЛИ ЎРИН ТУТМОҚДА. АЙНИКСА, ҚИЗ-ЖУВОНЛАР ХУСУСИЙ СЕКТОРДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИБ, МУВАФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАЁТГАНИ, ОРТЛАРДАН КЎПЛАБ ШОГИРДЛАР ТАЙЁРЛАЁТГАНИ, ҚУВОНЛАР ҲОЛ, АЛБАТТА.

Мирзо Улуғбек туманидаги «SHERZOD-ABDULLA» модлар ательесидида 2004 йилдан буён яқка тартибда фаолият юритаётган модельер-дизайнери Шоира Абдуллахонов қизи ўз касбига астойдил меҳр қўйган ёшлардан. Ёшлигида бичиш-тиқишни онасидан ўрганган Шоира Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини битиргач, мутахассислиги бўйича тинмай изланмоқда.

Самарали савий-ҳаракатлар туфайли хусусий тadbиркор аёллар учун 25 турдаги гўзал либослар туркумини яратди. Уларнинг асосий қисмини аънавий ва Европа услубида тайёрланган кечки кўйлақлар ҳамда костюмлар ташкил этгани ҳолда либосларга қўшимча бежирим аксессуарларни ҳам Шоира қанб кўрини қўшиб тайёрлайди.

СИҲАТ-САПОМАТЛИК ЙЎЛИДА

«СОФЛОМ YURAK» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ АҲЛИ 2000 ЙИЛДАН САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА. ЭЛИМИЗ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН МАЗКУР ЖАМИЯТ АЪЗОЛАРИ 10 НАФАР ТАЖРИБАЛИ ФАРМАЦЕВТ ҲАМДА МАЛАКАЛИ КИМЁГАРЛАРДАН ИБОРАТ.

Уларнинг самарали савий-ҳаракатлари, изланишлари боис, ҳозирда қорхона цехларида юраги хасталанган беморларга сифатли ва рақобатбардош дори—«Nitroglytserin forte» туркумидаги таблетка ҳамда инъекциялар тайёрланмоқда. Улар қулай, бежирим идишларда қадоқлиниб, сотувга чиқарилимоқда. Жумладан, косметик вазелиннинг ҳам юқори сифати боис, харидоригрлиги таъминланмоқда.

Эътиборли томони, «СОФЛОМ YURAK» дори-дармонлари беморларда қон босимини тушириб, меъёрлаштириш ҳисобига юракка дармон бўлиши билан бошқа туркум дорилардан тубдан фарқ қилади.

Қорхона тadbиркорлари домий изланишда. Улар фармацевтика соҳасидаги янгиликлар, ютуқлар, илмий ишланмаларни кузатиш, таҳлил этиш асносида янги дори-дармонлар яратишни эзгу мақсад қилган ҳолда меҳнат қилишмоқда.

МУСИҚА АСБОБЛАРИ УСТАСИ

КУНДАЛИК ИШ, ТАШВИШЛАРДАН ҲОРИБ ЧАРЧАБ УЙГА БОРГАНИМИЗДА МИЛЛИЙ МУСИҚА АСБОБИДАН ТАРАЛГАН НОЗИК, МУНИС КҮЙ, УНГА ЖЎРОВОЗ МАЙИН, ШИРАЛИ ТОВУШДА АЙТИЛГАН АШУЛАДАН ЧАРҚОҚЛАРИМИЗ БИР ЗУМДА ТАРҚАЙДИ...

Кейинги йилларда хунармандларга эркин фаолиятлари учун яратилган қулай шарт-шароитлар, ҳуқуқий ҳимоя боис ҳам Ошимовлар сулоласи миллий хунармандчилигимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. «Чорсу» бозоридида хунармандлар устaxonалари орасида Маҳмуджон Ошимов сулоланнинг еттинчи авлоди вакилининг миллий му-сиқа асбоблари дўқони алоҳида ажралиб туради.

Ҳозирда кўли гул уста фарзандлари —Маҳсуд ва Дилмуродлар билан ҳамкор, ҳамжиҳатликда ота-болаларидан мерос дутур, уд, рубоб, қарнай, сурнай, най, доира каби асбобларни ясашни қойилмақом тарзда удаламоқдалар. Яъни, ҳар бир му-сиқа асбобига бир-бирини такрорламайдиган гўзал нақшлар, безаклар беришади. Уларни тайёрлашда асосан мевали—ёнгок, тут, ўрик дарахтларидан фойдаланишади. Бундан ташқари, ота-бола усталар му-сиқа асбобларини қисқа фурсатларда сифатли таъмирлаб, солаб ҳам беришади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Ўзбекистон ва жаҳон

ЯПОНИЯДАГИ ЙИРИК ТИЖОРAT ТЕЛЕКАНАЛЛАРИДАН БИРИ — «FUJI TV» ДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАҚИДА ХИКОЯ КИЛУВЧИ 45 ДАҚИҚАЛИ ТЕЛЕКУРСАТУВ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ.

«FUJI TV» ТЕЛЕКАНАЛИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

Унда республикаимизнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида кўлга киритилган кенг қўламли ютуқлар, шунингдек, мамлакатимизнинг бой тарихи, Ўзбек халқи маданияти ва диққатга сазовор жойлари ҳақида хикоя қилинади.

Телекурсатувда ўзининг 2750 йиллик юбилейни нишонлаш арафасида турган кўна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрига алоҳида эътибор қаратилган.

«Буюк Ипак йўли»нинг қорраҳасида жойлашган Самарқанд Шарқ ва Фарб цивилизациялари мулоқотида муҳим аҳамият касб этган, деб таъкидлайди «Fuji TV». Шаҳар ҳозирга қадар ҳам ўзининг бетакрор тарихий ёдгорликлари ва халқ яратувчилиги дурдоналари билан жаҳоннинг турли бурчақларидан ташири буюрадиган жуда кўплаб сайёҳларни ўзига жалб этиб келади.

Шунингдек, телекурсатувда Самарқанд шаҳрида қарор топган тарихий ёдгорликлар учун хос мовий ранг ҳақида батафсил хикоя қилинади. Бу ранг буюк саркарда ва давлат арбоби — Амир Темури салтанатининг асосий рамълари билан бири бўлгани алоҳида қайд этилади.

Маълумки, мовий ранг тириклик ва абадий ёшлик ҳамда умрбоқийлик тимсоли ҳамдир.

Суръат олиш ишлари Ўзбекистоннинг Токиодаги элчихонасида бўлиб ўтди. Маълумки, мамлакатимизнинг ушбу дипломатиya ваколатхонасида Ўзбек халқ амалий санъати намуналарининг аjoyиб тўлаими билан танишиш имконини берувчи музей-кўргазма доимий равишда фаолият кўрсатмоқда.

Дастур ниҳоясида телетомошабинлар машҳур Ўзбек миллий таомлари тийёрлаш жараёни билан ҳам яқиндан танишди.

Сайёҳлик мавсумининг энг қизиқ пайтида эфирга узатилган бу телекурсатув японияликларни Ўзбекистонга сафар қилишга, «Буюк Ипак йўли»нинг гузалида бетакрор кўна шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентни ўз кўзлари билан кўришга ҳам даъват этди.

Бугунги кунда мамлакатимиз япониялик кўпсонли сайёҳлар учун жуда жозибали бўлган диёрга айланиб бормоқда. Бунда «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Тошкент — Токио — Осака — Тошкент йўналиши бўйича йўлга қўйилган ҳаво катновлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дехли — шу йилнинг 15 августида ўз мустақиллигининг 60 йиллигини нишонлайдиган Ҳиндистон Республикасининг бош кентидир. Бу сўлим боғлар ва хиёбонлар, ҳашаматли қадимий бинолар ва ёдгорликлар файз бағишлоғичи, пурвиқор ва сервоя дарахтлар билан ўралган кенг кўчалардан иборат, ҳар фаслда ўз кўркини ўзгартирувчи ям-яшил шаҳардир. Қиш фасли келиши билан дехли беҳисоб хушбўй анвойи гуллар оғушига қўшилиб, ажабтовур қўшлар ва паррандалар сайроғидан маст бўлади. Бобурийлар томонидан бир вақтлар барпо қилинган боғлар ўз ранг-баранглиги ва ифори билан сайёҳларни ром қилади.

Ҳозирги Дехли ҳудудида бир пайтлар етти шаҳар мавжуд бўлганига ҳақиқат жуда кўп афсоналар бор. Аммо тарих бу шаҳарларнинг сонни янада зиёда бўлганига ҳошод. Қадим манбаларга кўра, Дехлининг ҳозирги ўрнида «Маҳобхор» эписонинг ҳакамоналари бўлиши Пандаваллар сулоласи салтанатининг пойтахти Индрапастха шаҳри бўлган. 400 йиллик тарихга эга бўлган эски қалъа (Пурана қилъа) ҳудудида олиб борилган қазилмалар бу афсоналарнинг ҳақиқат эканлигини тасдиқлайди.

Дехли ҳақидаги дастлабки ёзма манба XII асрга тўғри келиб, Лалкот ражпурларининг калъаси билан боғлиқ. Ҳозир уша қалъа деворларининг бир қисмигина сақланиб қолган. У пайтларда шаҳарнинг номи Дхиллик бўлган. Худди шу ерда Дехлининг илк мусулмон ҳукмдори Кутбиддин Ойбок машҳур «Кутб миноси» қурдирган эди. Минор ҳозирга Дехлининг бир рамизи сифатида эъзозланади.

Ривоятларга қараганда, кимда ким орқа қилиб иккала кўлини, миносари кучоқлаб туташтира олса, унинг барча орзулари ушалар экан.

Аҳолиси 15 миллиондан зиёд Дехлида турли табақалар истиқомат қилади. Уларнинг турмуш даражаси ва яшаш тарзи турлича. Шаҳар XII асрда, яъни Шоҳжаҳон салтанатининг даврида асос солинган қалъа - шаҳар билан чамбарчас боғланган.

Ҳашаматли Қизил қалъа (Лал қилъа) ва мухташам Жомеъ масжиди ҳозир ҳам сайёҳларнинг диққат марказида.

Жама дарёси бўйида, денгиз сатҳидан 216 метр баландликда жойлашган Дехли 1206 йилдан Дехли султонлиги, 1526 йилдан Бобурийлар салтанатининг пойтахти бўлган. 1911 йилдан Британия Ҳиндистонининг пойтахти бўлган ва шу йилдан унинг жануби-ғарбида янги Дехли қурила бошланган.

Бу шаҳар лойиҳаси инглиз архитекторлари Эдвин Лётеңс ва Херберт Бейкер томонидан 1931 йилнинг бошлагида тугалланган. Янги Дехли эски Дехлидан ўзининг мухташам меҳмонхоналари ва ҳашаматли дўконлари билан ажралиб туради. Янги Дехлида Ражпхт проспек-

САУДИЯ АРАБИСТОННИНГ ЖИДДА ШАҲРИДА ISESCO ТОМОНИДАН ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2007 ЙИЛДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ҲАМДА САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ 2750 ЙИЛЛИК ВА МАРҒИЛОН ШАҲРИНИНГ 2000 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Жидда ва Макка шаҳарлари жамоатчилигининг вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита раиси вази фасини бажарувчиси О.Юсупов ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов иштирок этди.

Тадбирда Президент И.А.Каримов ташаббуси билан мамлакатимизнинг қатор шаҳарларида қарор топган тарихий ёдгорликларни тиклаш бўйича амалга оширилган кенг қўламли ишлар ҳақидаги маълумотлар унрашув катнашчилари эътиборига ҳавола этилди.

Шу билан бирга давра суҳбати иштирокчилари тартибда диний соҳада ҳаётга таътиб этилаётган ислохотлар, жумладан,

ХАЛҚНИНГ ТАРИХИЙ МЕРОСИНИ ТИКЛАШ ЙЎЛИДАГИ КЕНГ ҚАМРОВЛИ ВА ИЗЧИЛ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Ўзбекистоннинг диний бағрикенглик ва динлараро тотувлики таъминлаш борасидаги таҷрибаси билан танишди.

Анжуманда сўзга чиққанлар Буюк Ипак йўли қорраҳасида жойлашган қадимий ва бетакрор шаҳарлар — Самарқанд ва Марғилоннинг юбилей тантаналари Ўзбекистонда халқнинг моддий ва маънавий меросини қайта тиклаш ва кенг тарғиб қилиш йўлида амалга оширилган ишларнинг мантиқий давоми бўлиши таъкидлашди.

Улар Ўзбек халқининг буюк аجدодлари — Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний ва бошқа кўплаб алломалар нафақат ислом фани ва маданияти ривожига, балки жаҳон цивилизацияси тараққиётига муносиб ҳисса қўшганларини қайд этишди.

Анжуманда «Ўзбекистон» телерадиоканали дастурларининг сунъий йўлдош орқали намойиш этила бошлаган дунёнинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, Саудия Арабистони аҳолисига ҳам юртимизда кечаётган жараёнлар ҳақида тўғридан-тўғри ахборот олиш имконини яратганига эътибор қаратилди.

Таълим УСТОЗЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИДА «ДИЙОРЛАШУВ ОНЛАРИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Кечада мазкур институти 40 йил олдин тугаллаган эллик нафарга яқин профессор-ўқитувчилар иштирок этдилар.

Бундай учрашувларнинг ўтказилиши талабалар учун ҳам, ўқитувчилар учун ҳам бирдай қувонарли ҳолдир. Дефиди Тошкент Давлат Автомобиль йўллари институти маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Дағгар Расулов. — Чўнқи бу учрашувлар замирида меҳр-оқибат, дўстликни қадрлаш, маънавий юксакликка қорлаш каби эзгу қадриятлар жамулжамдир. Институтининг собик талабалари ҳисобланмиш бу устоз профессорларимиз ўқув масканимизнинг фаҳри ва ифтихоридир. Истардиқки, улар ҳамиша соғ ва омон бўлисинлар. Уларнинг эзгулик йўлида қилган ҳар қандай изланишлари барчамиз учун бир нурилик сабоқ бўлсин.

Шунингдек, учрашувларда собик талабалардан профессор Л.Аҳатов, С.Қодиров, С.Салимов сўзга чиқиб институти бугуни, келажақи, ютуқ ва камчиликларини сўзлаш баробарида, ўзларининг мазкур даргоҳда кечган кунларидаги ёрқин ва илқ хотираларини йиғилганларга сўзлаб бердилар.

Кеча сўнггида институти ўқитувчилари ва талабалари устозларга гуллар ва эсдалик совғаларини тақдим қилдилар.

ИЖОДИЙ СИНОВЛАР ЯКУНЛАНМОҚДА

АЙНИ КУНЛАРДА ШАҲРИМИЗДАГИ МАВЖУД БАРЧА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА СИНОВ ИМТИХОНЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИНИНГ БИТИРУВЧИ ТАЛАБАЛАРИ ҲАМ ИЖОДИЙ ИМТИХОНЛАРИНИ ЯКУНЛАМОҚДАЛАР.

Бошқа олий ўқув юртлари битирувчиларидан фарқли ўлароқ улар амалий синов имтиҳонларида ўзбек ва рус тилларини билишига эътибор қилинади. «Майсаранинг иши» ва «Свадьба тигра» спектаклларини намойиш қилдилар. Талабалар ихросида саҳнага қўйилган спектакллар муваффақиятли талкин этилмоқда. Улар актрёлик, хонандалик маҳоратларини ишга солиб ўз иқтидорларини яна бир бор намойиш этмоқдалар. Маромига етказиб муваффақият билан ижро этилган ролялар ҳайрат аъзолари томонидан муносиб баҳолалиб бормоқда.


ВАТАН МУҚАДДАСИР

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЙ ИНСТИТУТИДА БЎЛИБ ЎТГАН «ВАТАН МУҚАДДАСИР» ДЕБ НОМЛАНГАН ТАДБИР МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ҲАМ ИЖОДИЙ ИМТИХОНЛАРИНИ ЯКУНЛАМОҚДАЛАР.


—Мустақиллигимизнинг 60 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш ва нишонлаш ҳар биримизнинг асосий вазифамиздан биридир,—дефиди институти профессори, маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор Абдухалил Мағрулов. — Шу муносабат билан институтининг битирувчи талабалари ҳамкорлигида ушбу тадбирни уюштирдик. Бундан қўланган мақсад эса битирувчи магистр ва бакалавр талабаларимиз ўз соҳалари бўйича янги иш бошлаган жойларида Ватанимизнинг улғун муқаддас байрамини муносиб кутиб олишда баҳоли-қудрат ўз халқининг қўшилишини истаймиш. Юртимиз равнақини, ҳалиқимиз манфаатини ўйлаб илк қадамларини эзгуликка эш бўлган ҳолда бошлашларида омдлар тилаб қоламиз.

Тадбир давомида талабалар ихросида янграган куй ва кўшиқлар, дивлар рақслар барча иштирокчиларга бирдай манзур бўлди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА



Дунё мамлакатлари пойтахти



Дунё мамлакатлари пойтахти

ЖАМНА БЎЙИДАГИ ЖАВОҲИР

созлик) кўпроқ ривожланган. 1947 йилдан, яъни мустақилликка эришгач Дехлида саноатнинг янги тармоқлари (уйсозлик, электротехника, аудио ва видео, ускуналар, компьютер) вужудга келди.

Дехли қадимдан аънаба бўлиб келаётган бадийий хунармандчилик (фил суняги уймаккорлиги, нафис заргарлик буюмлари, олтин ва кумуш буюмлар) билан ҳам машҳур.

Дехлида университет, 30 дан ортиқ коллеж ва институтилар, илмий ташкилотлардан санъат академияси, рақс, драма ва мусика академияси, адабиёт илмий академияси, археология ва бадийий музейлар, Махатма Ганди, Жаҳоҳарлал Неру, Индира Ганди мемориал музейлари, амфитеатр мавжуд.

Дехлининг эски қисми — Шоҳжаҳонбод қадимий меъморий ва санъат ёдгорликларига бой. Темир устунлар, «Қувват ул-ислом» масжиди, Қизил қалъа, Марварид масжид, Жомеъ масжид, Хумоюн макбараси ва ҳоказолар шулар сирасига қиради. Қизил қалъа 1648 йилда Шоҳжаҳон томонидан қурилган. Жомеъ масжид эса 1600 йилнинг ўрталарида барпо қилинган.

қиллик учун курашганларга таъзим бажо қилгани келадилар.

Дехлига боришининг энг яқши вақти сентябрь-март ойларида бўлади. Бу даврда табиат уйғоқ бўлиб, кунлар қуруқ ва иссиқ меъёрида, кечкурунлари эса салқин бўлади. Июнь-август ойлари ёмғир (муссон) даври бўлиб, бу пайтда ҳам Дехли мафтункор бўлади. Ёгин миқдори 150-210 миллиметрга тенг. Кундузи 35-40, кечкурунлари эса 25-30 градус атрофида бўлади.

Дехли меҳмонхоналари халқаро стандартларга мос бўлиб, ҳашаматли меҳмонхоналарнинг «люкс» хоналаридан тортиб, унча дабдабали бўлмаган хоналарнинг нархлари зиёда эмас ва уларда яшаш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Дехлида бўлган вақтингида «Ўзи юрар қаср», яъни поездада Ражатхон шхати шаҳарларини саёҳат қилишининг мумкин. Септябрь-апрель ойларида бу поезд Дехлининг «Кантонмент» вокзалидан ҳар чоршанба кун кеч соат 22.45 да жунайки ва саккинзини кун, яъни келгуши чоршанба эрталаб 7.30 да Дехлига қайтиб келади. Бу саёҳатнинг энг аjoyиб нуқтаси Тожма-

ҳални зиёрат қилишдир. Ундан ташқари сиз Жайпур, Читторгарх, Удайпур, Рантхкамбар, Жайсалмер, Жодхпур, Бхаратпур ва Аграда бўласиз. Ўзи юрар қасрининг ҳар вағониде салон, мини-бар ва ошхона бўлиб, ҳар қупеда иссиқ ва совуқ душ мавжуд. Сафар давомида сиз вагон-ресторанда хинд ва Европа таомларидан бяхотранд бўласиз.

Дехли бозорлари гавжум. Улар ичида энг йириги «Чандни чоук» бўлиб, эски Дехлининг савдо маркази ҳисобланади. Унинг кенг ва тор кўчаларида хунармандлар кумуш, тилла ва бронза, шунингдек, ипақдан тайёрланган буюмларни сотадилар.

Ха, сиз Дехли бозорларида истаган буюмларинингизни харид қилишинингиз мумкин. Дехли ва Тошкент ўртасида алоқалар, хусусан маданий алоқалар ўрнатилган. Бу ҳақда бизга Л.Б.Шастри номли хинд маданият марказининг бошлиғи В.Васудеваи жаноблари сўзлаб берди. Гарчи бу икки шаҳар бирдорлашган бўлмаса ҳам, улар ўртасида маданий алоқалар ҳавас қилса арзиғулик. Дехли ва Тошкент санъаткорлари ва уламолари ўртасида борди-келди янги йўлга қўйилган. Дехли университетининг олимлари Тошкентга келиб талабаларга илм берсалар, Тошкент Давлат шарқшунослик институти ўқитувчилари Дехли дорилфунунида дарс бериб, малака ошириб келмоқдалар.

Дехли ахборот технологиялари марказида маҳорат оширмақдалар. Тошкентлик болалар Дехлида ҳар йили бўладиган халқаро расмлар кўргазмасида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Тошкентдаги Л.Б.Шастри номли Ҳиндистон маданияти марказида ҳар ҳафтада қизиқарли тадбирлар бўлади ва уларда Тошкент олий ўқув юр்தларининг устоз ва талабалари, жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари фаол катнашдилар.

Марказда Дехлидан келган муаллимлар ва хореографлар раҳбарлигида рақс тўғараги йога, хинд тили ўрганувчилар учун курслар очилган.

Содиқ УМАРОВ

ОИТСГА ҚАРШИ КУРАШ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ КҲН ТАРТИБИДА

ТОШКЕНТДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ВА ОЗАРБЎЙЖОНДА ОИВ/ОИТС ПРОФИЛАКТИКАСИ, КАСАЛЛИКНИ ДАВОЛАШ ВА БУ ЙЎНАЛИШДАГИ ХИЗМАТЛАР ТАЪМИНЛАНИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМСИГА БАҒИШЛАНГАН МИНТАҚАВИЙ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбир БМТнинг наркотиклар ва жиноятчилик бўйича башқармаси (ЮНОДК) ҳамда Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилати томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон, Озарбўйжон, Тожикистон, Туркменистон, Қозғоғистон ва Қирғизистондан келган соҳа мутахаддилари, етакчи экспертлар, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, ОИТС марказлари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар томонидан амалиётга тадбиқ этиб келинаётган турли лойиҳаларнинг мувофиқлаштирувчилари иштирок этди.

ЮНОДКнинг Марказий Осийдаги минтақавий вакили Жеймс Каллахан учрашувни очар экан, бу каби муҳим тадбирнинг айнан Тошкентда ўтказилаётгани беҳиз эмаслигини алоҳида таъкидлади.

— Бинобарин, Ўзбекистонда ОИТСга қарши кураш борасида катта тажриба тўплаган, — дефиди Ж.Каллахан. — Бизга яқши маълумки, бу масала Ўзбекистон ҳукумати-

нинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

— «Аср вабосининг олдини олишда касалликнинг кўпайишига бевосита туртки бераётган наркотикларга қарши кураш жуда муҳимдир, — дефиди ЮНОДКнинг Марказий Осийда ОИВ/ОИТС бўйича минтақавий маслаҳатчиси Мирзохид Султонов. — Айнан шу йўналишда минтақа мамлакатлари ўртасидаги илчил, муносақхам ҳамкорликни янада ривожлантириш кутилган самарани беради. Маълумки, бу бедаво дард асосан, уч йил йўл билан — қон орқали, химояланмаган жинсий ақинлик натижасида ҳамда онандан болага ҳомилдорлик ва туғиш даврида ўтади.

Биринчи йўл қўпчилик инъекцион наркотиклар фойдаланувчилари орасида кенг тарқалганига эътибор қаратиш лозим. Учрашувимизнинг асосий мақсоди ҳам айнан мана шу усул орқали касаллик тарқалишининг олдини олиш борасида иштирокчи мамлакатларда тўплаган тажрибаларини ўртоқлашган ҳолда энг самарали усулларни қўллашдан иборатдир. Марказий Осий ва Озарбўйжонда ОИВ/

ОИТС самарали профилактикаси ва уни даволаш юзасидан 2007-2010 йилларга мўлжалланган ЮНОДК лойиҳаси ишлаб чиқилган.

— Албатта, бу каби халқаро лойиҳаларни ҳаётга муваффақиятли тадбиқ этиш учун Ўзбекистонда барча шарт-шароитлар мавжуддир, — дефиди Ўзбекистон Республикаси ОИТС маркази директори Гузъл Гиясова. — Республикаимизда БМТ томонидан тақлиф этилаётган «Уч бирлик» принциплари кенг тадбиқ этиб келинмоқда. ОИВ/ОИТС муаммоси фақатгина тиббёт ҳоқосининг вази фаси эмаслиги, унга қарши ҳар бир фуқаро курашиши кераклигини кенг тушунтириб бораёмиш. Бу касаллик тарқалишининг олдини олиш юзасидан тегишли вазирлик ва мутахадди ташкилотлар атрофида жалб қилинаётди. Юртимизда ОИВ/ОИТСга қарши мувофиқлаштирувчи кенгаш иш олиб бормоқда. Бажарилиши зарур бўлган барча тадбирларини ўзида муҳассас этиган Давлат стратегик режаси ишлаб чиқилган. Бу даргда чалинганларни аниқлаш, улар мониторингини олиб бориш, шунингдек, касалликнинг инъекцион наркотиклардан фойдаланувчилар орасида йўналишига йўл қўймаслик юзасидан сая-харакатларни қўйиб-тироқмоқдасиз. Республикаимизнинг барча ҳудудида 233 та ишонч пунктлари мунтазам фаолият кўрсатаётди.

Тадбирда турли мамлакатлардан келган мутахассислар ўзларини қизиқтирган саволлар юзасидан атрофида кўча ўро фикр алмашишди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди.

ҲАЙРАТ КҮПРИГИ

ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИДА НАРИМОН БАЗЕТОВНИНГ «ТОШКЕНТ-ПАРИЖ. УЗОҚДА—ҲАММА ЖОЙДА» НОМИЛИ ШАХСИЙ КҮРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ. УНДА ИЖОДКОРНИНГ ПАРИЖДА ИШЛАНГАН ВА БОЛАЛИГИДАГИ ИЛК АСАРЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛАПТИ.

Наримон Эшлигиданок фото санъат сеҳри билан улғайди. Мактаб давлари уни хотирлар экан, илк бор санъат оламига етказилган, тоғосининг совғаси бўлган «Зоркий» фотоаппаратини эслаб ўтади. Унинг ишлари илк бор болалар нашрларида босилган.

Н. Базетов Россия Фотография Академияси, Франциянинг SPOES номли институтида таҳсил олди. Ҳуши даврида ижодкор «BE PRIV» француз модалар уйи ва «OLSEN» немис модалар уйи учун реклама асарлар яратди. Паоло Роверси, Петер Линбердлардан фотографиянинг техник усулларини пухта ўзлаштириб олди. Шу билан бирга танникли француз фотографа Фабиен Лемер билан ҳамкорликда ишлади. Ижодкор ҳаётнда 2007 йил унутилмас лаҳзаларни ҳаёт этди. Яъни унинг асарлари Францияда биринчи бор ташкил этилган қўшма кўргазмада қўйилди. Ҳозирда у таникли фотографер Дмитрий Широков, Ольга Фоминлар билан яқиндан ижодий ҳамкорлик қилмоқда. Мазкур кўргазмадан Наримон Базетовнинг олтинмишга яқин фото асарлари ўрин олган.

Кўргазма 27 июнга қадар давом этади.

Раҳмона ТОШПҮЛАТОВА, «Туркестон-пресс»

